

ИПАК ҚУРТИНИ БОҚИШ ВА ПИЛЛА ЎРАШ ДАВРИНИНГ ПИЛЛА СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Зиёдулла Абдумухтарович Қодиров
Бобур Мирзо Бахтияр ўғли Шакиров
Иноятхон Олимжон қизи Мадаминова
Андижон машинасозлик институти
ziyodulla.78@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ипак қуртини боқиши ва пилла ўраш даврида олиб борилиши зарур бўлган муҳим агротехник тадбирлар баён этилган. Ипак қуртининг ҳар бир ёшида керак бўлган озуқа, ҳар бир ёши учун қанча майдон керак бўлиши ва зарур микроиқлим шароитлари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган. Шу соҳа бўйича иш олиб борган республикамиз ва хорижий олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ҳам таҳлил қилинган. Шунингдек, ипак қуртини боқиши ва пилла ўраш даврининг пилла сифатига таъсири ўрганилиб, сифатли пилла хом ашёси олиш учун ипак қуртини боқишда нималарга аҳамият бериш кераклиги ҳақида тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ипак қурти, пилла, пилла ўраш даври, пилла сифати, тут барги, ҳаво ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги.

ABSTRACT

This article presents the important agro-technical measures that need to be taken during the feeding of silkworms and cocoon curling. Information is also provided on the nutrients that silkworms need at each age, how much space they need for each age, and the microclimate conditions required. The research work of national and foreign scientists working in this field was also analyzed. The effects of silkworm feeding and cocoon curling on cocoon quality were also studied, and recommendations were given on what to look for when feeding silkworms to obtain quality cocoon raw materials.

Keywords: silkworm, cocoon, cocoon curling period, cocoon quality, mulberry leaf, artificial cocoon, air temperature, relative humidity.

КИРИШ

Республикамизда сифатли пилла хом ашёси етиштириш, етиштирилган пилладан жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган юқори сифатли хом ипак чувиб олиш, ипакли маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва ассортимент турларини кенгайтириш, таннархини камайтириш, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ипакчилик тармоғини ривожланиши пиллакорларнинг даромад манбайнини оширибгина қолмай, балки етиштирилган пилла микдорини кўпайишига, ундан олинадиган хом ипак, ипакли маҳсулотларнинг микдорини ортишига ҳамда хорижий давлатларга экспорт қилиш ҳажмини кўпайишига олиб келиш билан бирга Республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади.

Пилла ва хом ипак сифатини яхшилаш эса ипак қуртини боқиши ва пилла ўраш давридаги шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Пилла сифатини яхшилаш, боқилган ҳар бир қути ипак қуртидан олинадиган пилла ҳосилини имконияти борича ошириш бир қатор агротехника ва ташкилий тадбирларга амал қилишни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тут ипак қуртини боқиши жуда сермашаққат жараён ҳисобланади. Чунки 1 қути тут ипак қуртини V ёшида боқиши учун $50-60\text{ m}^2$ жой керак бўлади. Шунинг учун муаллифлар томонидан янги ғаладонли кўп қаватли сўқичакли тут ипак қурти боқишининг юқори самарали агротехникаси яратилган. Натижада 3-4 қути ипак қурти уругини $50-60\text{ m}^2$ жойда боқиши ипконияти яратилган. Улар томонидан таклиф қилинган рамка - қопламали сўқчакларда ипак қуртини кичик ёшларида 8-12 марта ўрнига 4-5 марта озиқлантириб парваришлар, шу ёшда озукадан 25-30% тежашга олиб келган, меҳнат ва иситиш ҳаражатларини камайтирган ва энг асосийси бу усулда етиштирилган пиллаларнинг 92,3% навли пиллаларни ташкил этган. Рамкали-қопламали сўқчакларда етиштирилган пиллалардан ипак чиқиши 42,6%,чувилувчанлиги 87,5% ни ташкил этган бўлса, оддий сўқчакларда етиштирилган пиллаларда хом ипак чиқиши 41,8%,чувилувчанлиги 85,5% ни ташкил этган [1].

Кичик ёшдаги қуртлар териб олинган тут баргларини 5–7 мм кенгликда “угра” шаклида кесиб боқилади. Бунда қуртлар ғана остида қолиб кетишини олди олинади ва қуртлар бир текис ўсишига эришилади. Биринчи ва иккинчи ёшдаги қуртларга сутка

давомида ҳар икки соатда 8–10 марта барг берилади. Куртлар ёшдан-ёшга ўтиши билан уларга ажратиладиган жой ҳам кенгайтирилиб борилиши керак. Бир қути қуртларни боқиши учун I-ёшда – 2 м²; II-ёшда – 5–6 м²; III-ёшда – 12–15 м² сатҳдаги қурт боқиши майдони талаб этилади. Кичик ёшдаги қуртларни парваришлашда ҳаво ҳарорати ва унинг нисбий намлиги жуда катта аҳамиятга эга. Ипак қуртининг меъёрда ўсиб ривожланиш, қуртларнинг барг ейиш фаоллиги, уларни қурт организмида ҳазм бўлиши ва ёшдан-ёшга ўтиши қуртхонадаги ҳароратга боғлиқ.

Кичик ёшларда қуртхонада ҳарорат 26–27⁰ С, нисбий намлик 65–75 фоизни ташкил этиши лозим. Бундан ташқари ҳар 2–3 соатда хоналарни 15–20 минут шамоллатилиши боқилаётган қуртларни турли касалликларга чалинишини олдини олади. Катта ёшдаги қуртлар кесилмаган ва яшил шохчалар билан боқилади. Қуртлар бешинчи ёшга ўтиши билан барглар 70–100 см узунликдаги новдаси билан кесиб берилади. IV- ва V-ёшда суткасига 6 марта, ҳар 3 соатда барг солинади. Қурт боқишининг бу даврида ҳаво ҳарорати 24–25⁰ С, нисбий намлик 60–65% бўлиши талаб этилади. Ҳароратнинг пасайиши қурт организмида озуқанинг ҳазм бўлиши ва модда алмашинувини сусайтиради, бу ўз навбатида қуртлик даврининг узайишига ва пилланинг майда бўлишига олиб келади. Қуртларга бериладиган озуқанинг самарали ўзлаштирилиши, улар боқилаётган сўкчак юзасига боғлиқ[2].

Қуртлар бир меъёрда ўсиши, ривожланиши ва турли касалликлардан ҳоли бўлиши учун IV-ёшда – 25–30 м², V-ёшда – 60–70 м² сатҳ бўлиши керак. Қурт боқиши даврида, айниқса катта ёшдаги қуртларни ғаналаш катта аҳамиятга эга. Қурт чиқиндилари ўз вақтида олиб ташланмаса, уларнинг чириши натижасида зарарли газлар ажралиб чиқади ва турли касалликлар манбай бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Тўртинчи ва бешинчи ёшларда ғана биринчи марта қуртлар пўст ташлаган куннинг эртасига алмаштирилади. Кейин эса ғана қай даражада тўпланишига қараб олиб турилади. Баргга тўйган қуртлар бешинчи ёшнинг 8–9 кунларига келиб озиқланишдан тўхтайди ва ўз организмини чиқиндилардан тозалаб пилла ўраш учун қулай жой излай бошлайдилар. Шу пайтда қурт боқувчилар биринчи дасталарни қўйиб қолган қуртларга барг бериб туришлари лозим, баргга тўйган қуртлар аста секин дасталарга кўтарила бошлайдилар.

Ҳар бир қути қурт ҳисобига 300–400 дона табиий ўтлардан даста тайёрланади. Бунинг учун мингбош, оқбош, читир ва сариқ гулли ўтлардан энг яхши дасталар тайёрлаш

мумкин. Пилла ўраш даврида қуртларга тоза ҳаво, мўътадил $25\text{--}26^{\circ}\text{C}$ ҳарорат ва нисбий намлиқ $60\text{--}65\%$ бўлишини тъминлаш бўлажак пилла ҳосили мўл ва сифатли бўлишига замин тайёрлайди.

Муаллифлар томонидан юқори сифатли пилла ҳосилини олиш учун ипак қуртини плёнка остида биологик фаол моддалар билан тўйинтирилган тут барглари ёрдамида боқиши тавсия қилинган. Уларнинг фикрича кичик ёшдаги ипак қуртларини плёнка остида, биринчи ёшда эса биологик фаол модда билан тўйинтирилган тут барги ёрдамида боқилганда, ипак қуртининг ривожланиш даври 1-1,5 кунга қисқаришини, пилла пўстлогидаги ипак миқдорини ўртacha 0,006 грам, ипакчанлигини 1% дан 4,01% гача, биринчи нав пиллалар миқдори 10,09% дан 16,09% гача ортганлигини ҳамда сифатсиз пиллалар миқдори эса 3,48% дан 6,18% гача, нуқсонли пиллалар миқдори 0,41% дан 1,13% гача камайган [3,4].

Муаллифлар томонидан ёзги қузги мавсумларда боқилаётган ипак қуртларини I ёшидан IV ёшигача намланган чойшаб остида боқиши усули тавсия қилинган. Чойшаб остидаги намлиқ 80-90 % ни ташкил қилиб ҳаво ҳароратини $22\text{--}24^{\circ}\text{C}$ да ушлаб туриш имкониятини берган. Тут барг намлиги сақланиб унинг яхши истимол қилинишига эришилган. Барг сарфи камайиши хисобига иш унумдорлиги 2 маротаба ошган [5].

Мутахассислар томонидан ипак қурти озуқасининг ипак қуртини касаллика чалинишига, ипак безининг фаолиятига, тут баргидан фойдаланиш коэффицентига ва пилла ҳосилдорлигига таъсири таҳлил қилинган. Муаллифларнинг такидлашича ипак қурти зоти ва дурагайлари хусусиятларидан келиб чиқсан холда агротехник талабларга мос холда ипак қуртининг ёшлари бўйича етарли даражада боқиш майдони ва юқори сифатли озуқа билан тъминланиши хисобига, ипак қуртининг қуртлик даврини 0,5-1 кунга қисқаришига, 1 қути ипак қуртидан олинадиган ҳосилни 4-8 кг га қўпайишига ва етиштирилган пилла сифати кўрсаткичларини 3,5-4% гача ошишига эришилган [6].

Маълумки, ипак қурти ўзининг ривожланиш даврининг бешинчи ёшини охирига келиб яъни 8-кунидан бошлаб уч кун давомида пилла ўрашга киришади, тўла пилла ўраб бўлган ипак қуртлари 36-48 соат давомида пилла ичида ғумбакка айланади. Лекин бир вақтда битта қуртхонада боқилаётган ипак қуртлари бирданига teng пилла ўрашга киришмайди. Бешинчи ёшини саккизинчи куни 30-35 фоиз, тўққизинчи куни 45-50 фоиз, ўнинчи куни 10-15 фоиз ва ўнбиринчи куни

эса қолган 5-10 фоиз ипак қурти пилла ўрашга киришади. Ипак қуртларини бундай бир вақтда пилла ўрашга тўла киришмаслигига асосий сабаблари; ипак қуртини кичик ва катта ёшларида боқиш учун ажратилиш керак бўлган боқиш майдони ва ёшлари бўйича боқиш учун зарур бўлган озуқа микдорини агротехник талабларда белгиланган меъёрга мос келмаслиги, ипак қурти боқиладиган сўкчакларнинг ҳамма қисмларига ипак қуртлари ва озуканинг бир хил teng микдорда тақсимланмаганлиги; қуртхонада яратилган микроиқлим шароитлар (ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги, шамолатиб турилиши ва ёритилганлик даржасини) қуртхонанинг ҳамма қисмлари бўйича бир хил санитарик норма талабларига мос ҳолда таъминланмаганлиги сабабли ҳозирги кунда ҳамма мавжуд ипак қурти дурагай ва зотлари бешинчи ёшининг охирида 2-3 кунда баъзида эса 5-6 кун фарқ билан пилла ўрашга киришади [7].

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институтида ипак қуртини плёнка остида боқиш технологияси яратилган. Бу технология бўйича ипак қуртлари полиэтилен плёнка билан ғона ости ва усти оралиғида ҳосил бўлган микроиқлимда парваришиланади. Бу усулда ипак қуртини парваришиланганда, кичик ёшларидаги қуртларни озиқлантириш сони кескин камаяди, яъни 10-12 марта (оддий парваришилаш усулида) ўрнига 2-3 марта озиқлантирилади. Натижада, пилла етиштиришда озуқа ва меҳнат сарфи камаяди. Бу усул билан ипак қуртини парваришилаш тут дарахтининг бутун вегетация давридан унумли фойдаланиб, фақат баҳордагина эмас, балки, ёз-куз мавсумларида ҳам пилла етиштириш имконини берган [8].

Муаллифлар томонидан пиллаларнингчувилувчанлиги ва хом ипак чиқиши каби технологик кўрсаткичлари билан корреляцион боғланишда бўлган пилла қобигининг донадорлик хусусиятига қуртларни парваришилаш давридаги шароитнинг таъсири ўрганилди. Курт боқиш шароити ўзгариб турганда, пилла қобиғи донадорлигига ҳам ўзгаришлар бўлишини хусусан, мўътадил шароитда ипак қобигининг 1cm^2 сатҳидаги бўртмалар сони 54 та бўлган бир вақтда, худди шу зот қуртларини ноқулай шароитда парваришиланганда бу кўрсаткич 40,4 тани ташкил этди. “С-8” ва “Орзу” зотларини қобигининг донадорлиги бўйича градацияларга ажратиб чувиб кўрилди. Муаллифларнинг фикрича пилла қобигининг 1 cm^2 юзасидаги дунгликлар сони 38 та дан 123 та гача бўлса, шунга мос равишида пилланингчувилувчанлиги

62,29% дан 81,53% гача, хом ипакни чиқиши 32,55% дан 42,52% га тенг бўлган [9].

Хорижий тадқиқотчилардан Ф.Накагава хом ипакдаги ҳалқа кўринишидаги нуқсонларнинг пайдо бўлиши пилла ипидаги ҳалқаликка боғлиқлигини, пилла ипининг ҳалқалилиги эса ипак қурти зоти ва пилла ўраш давридаги шароитга боғлиқлигини таъкидлайди [10].

Хитойлик тадқиқотчилар Фан Шун-Чао, Су Ле Шанъларнинг маълумотларига кўра пилла ипидаги ҳалқалар пилла қобиғининг тузилишига боғлиқ бўлади [11].

Японияда ипак қурти парваришининг 60% да фракцион пилла ўраш усули қўлланади. Ипак қуртини яшаши учун қулай шароитларни вужудга келтирувчи янги топилмаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши сифатли маҳсулот олиш ва энергиядан тежаб фойдаланиш имконини беради. Қўлланиладиган ҳаво иситиш системаси ёрдамида бутун қуртхона эмас, балки поливинилхlorиддан тайёрланган каналлар орқали иссиқ ҳаво бевосита ипак қурти яшайдиган юзаларга узатилади ҳамда юқори ва пастки ҳаво оқими ўртасидаги ҳароратни тушиб кетишини олдини олади. Бу эса ёқилғи сарфини иқтисод қилишдан ташқари, оддий иситиш натижасида ипак қуртини ривожланишида кузатиладиган фарқни йўқотади.

Хитойда ҳам ипак қурти кичик ёшларида (I-III) марказлашган ҳолда катта ёшларида (IV-V) авваллари марказлашган ҳолда, ҳозирда эса алоҳида парваришланади. Қурт боқища юқори ҳароратли режим қўлланилади. Дасталар похолдан ва бамбукдан тайёрланади ва юқори сифатли пилла етиштирилади [12].



1-расм. Ипак қурти ва пилла.



2-расм. Ипак қуртининг дастада жойлашиши ва тут барги билан озиқланиши.

Ипак қуртини марказлашган усулда боқилганда, унинг ҳаётчанлиги ошади, меҳнат сарфи икки марта камаяди, янги яратилган агротехник усулларни қўллашга шароит яратилади, нуксонли пиллалар улуши камаяди, ҳосилдорлик, пиллаларнинг ўлчамлари бўйича бир хиллиги ва сифати ошади.

Ипак қуртини ўсиши ва ривожланишида қуртхоналарда яратилган микроиқлим шароитлар асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки ипак қуртининг қуртхонадаги ҳароратга бўлган сезгирилиги жуда юқори бўлади. Ипак қуртларини барг ейиши, уни ҳазм қилиши, бир ёшдан иккинчи ёшга ўтиши қуртхонадаги ҳаво ҳароратига боғлиқдир.

Японияда I-II ёшдаги ипак қуртлари 87 % марказлашган ҳолда ҳаво ҳарорати 26-28 °C ва намлиги 80-90 % бўлган шароитда кунига 2-3 марта озиқлантирилиб парваришланади. Маълумотларга кўра, марказлашган усулда етиширилган пиллалар- дан олий нав пиллалар чиқиши 5,5 % дан 16,6 % га ошган. Учинчи навли ва яроқсиз пиллаларнинг ўртача қўрсаткичи 14,2 % га камайган.

Д.Болтабоевнинг ҳам маълумотларига кўра, шундай усул билан етиширилган пиллалардан олий нав пиллаларнинг чиқиши 5,5% дан 13,7-16,6% га ошган. Учинчи навли ва яроқсиз пиллаларнинг ўртача қўрсаткичи 14,2% га камайган [13].

Ипак қуртини турли хил қопламалар остида парваришлаш усули Япония ва Хитойда кенг қўлланилади.

А.Ю.Рахимов томонидан пилла ўраш жараёнида сунъий дасталардан фойдаланиши тавсия қилинган. Сунъий дасталарни қўлланиши ҳисобига бир хил ўлчамдаги пиллалар миқдори кескин ошиши билан биргага биринчи нав пиллалар миқдори 12% дан 18% гача кўпайган, пилла ўраш жараёнида ҳосил бўладиган лос миқдори эса 1,3% дан 1,4% гача камайиши билан биргага унинг ифлосланиш даражаси 7,06% дан 9,5% ни ташкил қилган [14].

Ҳаво ҳарорати пилланинг вазнига, сифатига ва ҳосилдорлигига ҳам таъсир этади. Айниқса, кичик ёшдаги ипак қуртларига бу жараён жуда кучли таъсир қиласди. Ипак қуртини яхши ўсиши ва ривожланиши учун энг мақбул ҳарорат 25-27 °C. I-III ёшдаги ипак қуртлари 26-27 °C да боқилганда пилла сифати яхши бўлади. Ҳаво ҳароратини қўрсатилган чегарадан ошиши пилла ўрамайдиган ёки сўкчакка пилла ўрайдиган ипак қуртларининг сонини қўпайишига сабаб бўлади. I-III ёшдаги ипак қуртларини боқиш давридаги ҳарорат етиштирилаётган пилла миқдорига жиддий таъсир қиласди. Масалан, ипак қуртларини I-III ёшда 27-28 °C ва 29-30 °C да боқилганда етиштирилган пиллаларнинг оғирлиги 26-27 °C даги боқилган пиллаларга нисбатан қўпроқ бўлган. Масалан, ипак қурти I-III ёшда 23 °C ҳароратда боқилганда етиштирилаётган пилланинг оғирлиги 1,75 гр; 25 °C да 1,82 гр; 28 °C да 1,95 гр бўлган.

Қуртхонадаги нисбий намлиkn ортиши билан ипак қуртининг юрак уриши ҳам ўзгариб боради. Масалан, қуртхонадаги нисбий намлик 60 % бўлса ипак қуртининг юраги минутига 39 марта уради. Нисбий намлик 75 % бўлса 42 марта, нисбий намлик 90 % бўлса 46 марта уради. Бу тажриба V-ёшдаги ипак қуртларида ўтказилиб нисбий намлиkn кўтарилиши билан овқат ҳазм бўлиш тезланиши ҳам аниқланган. Лекин нисбий намлиkn меъёридан ортиши қуртхонадаги ғонани могорлашишига ва ипак қуртини касалликка чалинишига сабаб бўлади. Шунинг учун кичик ёшдаги ипак қуртларига нисбий намлик 70-75 %, катта ёшларда 60-70 % атрофида бўлиши ипак қуртининг яхши ривожланишига мақбул шароит ҳисобланади [10; 30 б].

Муаллифларнинг фикрича, ҳарорат 20-21 °C, нисбий намлик 65-80 % бўлганда пилла ўраган ипак қуртлари миқдори 81-83 % га teng бўлса, 24-25 °C бўлганда 89-90 % га, ҳаророт 28-29 °C бўлганда эса 84-85 % ипак қурти пилла ўраган [15].

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тут ипак қуртини боқиш даврида унинг озиқланиш режимларига амал қилиниши, ҳаво ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги каби микроиқлим шароитларининг маълум бир меъёрий талабларга жавоб бериши олинадиган пилла хом ашёсининг сифатига таъсир қиласи. Тадқиқотлар натижасида юқори ҳароратда ипак қуртининг пилла ўраши тезлашиши аниқланди. Шунингдек, пиллаларнинг сифати ва технологик хусусиятлари микроиқлим шароити таъсирида кескин ўзгариши ва бу ўз навбатида пилладан хом ипак ишлаб чиқариш жараёнларига ва олинадиган хом ипакнинг сифатига маълум даражада таъсир қиласи.

REFERENCES

1. Ахунбабаев О.А., Мирзахонов М.М., Валиев Г.Н., Мухамадрасулов Ш.Х., Ахунбабаев У.О. Ипак қурти боқиш учун янги тузилишдаги қуртхона ва қўп қаватли сўқичак қурилмаси. Тўқмачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқиришни ташкил этишда илм-фан интеграциялашувини ўрни ва долзарб муаммолари ечими. //Тез. док. ҳалқ. илм. амал. конф. материаллари. 27-28 июль 2017. - Маргилон 2017. 1-қисм. –С. 102-109.
2. Рахимов А.Ю. Пилла етишириш жараёнида биологик фаол моддаларнинг роли. //Тўқмачилик муаммолари. -2007. -№2. – С. 41.
3. Рахимов А.Ю. Пилла тайёрлаш хажми ва унинг сифатига биологик фаол моддаларнинг таъсири. // Тўқимачилик муаммолари №-3, 2008 йил 65 бет.
4. Жуманова У., Ахмедов Н.А. Плёнка остида ипак қурти боқиш. //Зооветеринария. Т.: 2011. №7. Б.35-36.
5. Мирзаходжаев М., Мирзаходжаев Б., Умаров Ш., Содиков Д. Ипак қуртини чойшаб остида боқиш сўқичагини конструкцияси ва синов натижалари. //Ж. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги. №2. – 2019. – 38 бет.
6. Ахмедов Н., Беккамов Ч., Солиева М. Ипак қуртларини навдор тут барглари билан озуқалантиришнинг ипак бези фаолиятига таъсири. //Зооветеринария. Т.: 2014. №9. Б.39-40.
7. Рахимов А.Ю., Рахимов А.А., Қодиров З.А. Пиллани пишиб етилганлик даражасини сифат кўрсаткичларига таъсири // J. Academic Research in Educational Sciences. Volume 2. Issue 11. 2021. –Р. 33-41. www.ares.uz.
8. Рахимов А.Ю., Рахимов А.А., Қодиров З.А. Пиллага дастлабки ишлов бериш ва сақлаш технологик жараёнларининг таҳлили // J. Academic Research in

- Educational Sciences. Volume 2. Issue 11. 2021. –P. 42-51. www.ares.uz.
- 9.Кодиров З.А., Парпиев С.Ф. Пиллага дастлабки ишлов бериш технологияларининг пилла сифатига таъсири. Academic Research in Educational Sciences. Volume 3. Issue 2. 2022. –P. 637-645. www.ares.uz.
- 10.Z.Zhou, Z.Shi, X.Cai. The use of functionalized silk fibrain filmsas a platform for optical diffraction-based sensing applications. Adv.Mater 22(2010) 1746-1749 Chemical Engineering Journal.
- 11.W.Zhou., X.Chen., Z.Z.Shao. Conformation studies of silk-proteins with infrared and Raman spectroscopy. Prog.Chem 2006; 18(11); 1514-22.
- 12.Леженко О.Б. Шелководство Китая. //Ж. Шелк. Экспресс-информация. 1983.
- 13.Болтабоев Д. Централизованные выкормки и производстве. //Ж. Шелк.-1970. -№1. –С.8.
- 14.Рахимов А.Ю., Абдурахманов А.А., Сулайманов Ш.А. Изучение состояния использования ваты-сдира и пути повышения качества коконного сырья. //Ж. Научных публикации аспирантов и докторантов. -2015. -№4. – С. 152-157. Курск.
- 15.Рахимов А.Ю. Сифатли хом ипак ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси асослари. Техника фанлари доктори (Dsc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Андикон - 2021. 213-б.